

ТУТ ИПАК ҚУРТИ ГЎЗАЛ ВА МАРВАРИД ЗОТЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ

Ортиқова Севара Остон қизи

Ўзбекистон Миллий Университети 1-босқич магистранти

Республикамыз пиллачилиги самарадорлигини кўтариш, етиштирилаётган пилла хом ашёсининг сифатини ва ҳажмини оширишда ипак қуртининг зот ва дурагайлариининг аҳамияти катта. 2021 йилда мамлакатимиз пиллакорлари 2400 тонна тирик пилла етиштирдилар, 1 қути уруғдан олинадиган пилла ҳосилдорлиги ўртача 61 кгни ташкил этди. Бу кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан ижобий ютуқ эканини таъкидлаш лозим. Аммо пилла ҳосилдорлигини янада ошириш, айниқса етиштирилаётган пиллаларнинг сифат ва технологик кўрсаткичларини янада ошириш ҳозирги даврдаги ипакчилик соҳасининг долзарб вазифалари ҳисобланади.

Илмий адабиётлар шарҳи шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, шу жумладан тут ипак қуртининг технологик белгиларини аниқлаш жуда қийин жараён бўлиб, уларнинг ўзгарувчанлиги, ирсиланиши ва ўзаро боғлиқлик қонуниятларини тўлиқ билишни талаб этади.

Бу йўналишда Украиналик селекционер олимларнинг илмий изланишларини шарҳини келтириш жоиз. Браславский М.Е., Головка В.О., Черг Джин Юй та in (2001) Украиналик ва Хитой халқ республикаси олимлари Украинская 26 зотини ва унинг иштирокидаги Укр 26 x Укр 18, Укр 28 x Укр 26 саноат дурагайлариини яратдилар. Бу дурагайлар ҳаётчанлиги 91,3-94.6%, 1г қуртдан олинадиган пилла хосили 4,4-4,5 г, тирик пиллалар ипакчанлиги 23,4-

26.4 %, толанинг узулуксиз чуватилиш узунлиги 941-1009 м толанинг умумий узунлиги 1334-1467 м, га тенг бўлган.

Бу борада тадқиқотчилар турлича натижаларга эришганлар. Насириллаев Б.У., Джумаева Д. (2015, 2015) лар технологик белгиларнинг пиллани морфологик белгилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги йўналишидаги олиб борган тажрибаларида пилла калибрининг айрим технологик кўрсаткичлар билан ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги маълумотлар олинган.

Умаров Ш.Р., Насириллаев Б.У., Гиясова К.С., Жуманиёзов М.Ш., Худжаматов С.Х. (2017), Худжаматов С.Х. (2017), лар ўз тадқиқотларида пиллалар компактлиги ва етакчи технологик кўрсаткичлар ўртасидаги яқин боғлиқлик аниқланган ва ушбу корреляция коэффициентлари зот ва тизимларнинг енгил саноат учун муҳим ипак толаси хусусиятларини яхшилашда юқори самара бериши ҳақидаги хулосага асос бўлади.

Технологик белгиларини шаклланиши қонуниятларини аниқ билиш уларнинг илмий асосланган селекциясини амалга ошириш имконини беради. Юқорида қайд этилган фикрларнинг деярли ҳаммаси ипак толаси берувчи тут ипак қуртига тўлиқлигича тегишли.

2000 йилларда Ипакчилик илмий-тадқиқот институти олимлари профессор У.Н.Насириллаев бошчилигида тут ипак қуртининг янги сермахсул, технологик кўрсаткичлари юқори бўлган йирик пиллалар зотларини яратиш бўйича кенг қамровли чуқур илмий изланишларни бошладилар. Бир неча йиллик олиб борилган синтетик селекция ишлари натижасида йирик пиллалар, ипак толасининг кўрсаткичлари юқори бўлган пилласи узунчоқ Гўзал ва думалоқ пиллалар Марварид зотларини яратишга эришилди. 1-жадвалда зотларнинг асосий морфо-физиологик хусусиятлари келтирилган ва етакчи хўжалик қиймати белгиларининг кўрсаткичлари жой олган.

2-жадвал.

Зотларнинг етакчи хўжалик белгилар кўрсаткичлар

Белгилар	Гўзал	Марварид
Тухум жонланиши, %	96,8	96,0
Қуртлар ҳаётчанлиги, %	92,8	91,9
Пилланинг ўртача вазни, г	2,20-2,40	2,25-2,45
Ипакчанлик, %	23,7	23,2
Хом ипак чиқиши, %	44,5	44,0
Толанинг умумий узунлиги, м	1470	1485
Толанинг метрик номери (ингичкалиги), м/г	3278	3234

Гўзал ва Марварид зотларининг бошқа мавжуд зотлардан фарқ қилувчи асосий хусусияти шундаки, йирик, вазндор ипак қобиғига эга ва пилланинг ипак толаси технологик хусусиятлари, айниқса метрик номери юқори. Ушбу зотлар иштирокида “Олтин водий 1”, “Олтин водий 2” саноатбоп дурагайлари яратилган ва Давлат нав синаш комиссияси қарори билан республикада кенг районлаштирилган. Янги дурагай комбинациялари қуртлари ўрнатилган агротехник қоидаларга тўлиқ риоя қилиб парваришланганда, 1 қути қуртдан ўртача 65-75 кг пилла ҳосили олиш имкони мавжуд. Шу билан бирга саноат пиллаларидан хом ипак чиқиши ҳам юқори, яъни пиллани қайта ишлаш корхоналарида 1 кг ипк олиш учун сарф бўладиган қуруқ пилла миқдори 2,2-2,5 кгни ташкил этади. Шу билан бирга ингичка ипак толасидан эса ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган ўта нафис шойи газламалар тўқилади.

Келажакда саноат миқёсида ушбу зотлар иштирокидаги янги дурагайлارни парваришлаш мақсадида 2015 йилдан бошлаб Гўзал ва Марварид зотларининг

бошланғич тухум кўймаларидан Республикамизнинг Фарғона ва Самарқанд наслчилик корхоналарида суперэлита ва элита уруғларини кўпайтириш ишлари бошланган.

Тадқиқот ишимизга юқорида қайд этилган зотлар ва селекцион тизимни танлашимиздан асосий мақсад, улар ишлаб чиқаришга жорий этилган ва шунининг учун наслчилик корхоналарининг оилалар питомниги, суперэлита, элита босқичларида насли пиллаларни янги танлаш усули орқали муҳим технологик белгиларини ошириб бориш ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Браславский М.Е., Головки В.О., Черг Джин Юй marin. Высокопродуктивны гибрида шоковичного шовкопряда. //Аграрна наука-виробництву. – Кив, 2001.19 – с.

2. Насириллаев Б.У., Джумаева Д. Тут ипак қуртининг пиллаларини калибри бўйича танлашнинг истиқболлари. // Зооветеринария. – Тошкент, 2015. -№2. -40-41 б.

3. Насириллаев Б.У., Джумаева Д. Ипак қуртининг қўш леталлар билан муозанатлашган С 8 нгл зоти пиллаларининг калибри ва технологик кўрсаткичлари ўртасидари боғлиқлик. // Академик Б.А. Тошмухамедовнинг 80 йиллигига бағишланган “Современные проблемы физико-химической биологии” мавзусидаги Res. илм. амал. конф. мат. –Тошкент, 2015. 97-99-б.

4. Умаров Ш.Р., Насириллаев Б.У., Гиясова К.С., Жуманиёзов М.Ш., Худжаматов С.Х. Ипак қурти элита популяциясида технологик кўрсаткичларини ошириш омили. //Зооветеринария. - Тошкент, 2017. - №2, (111). 35-36 б.

5. Худжаматов С.Х. Насли пиллаларни компактлиги бўйича танлашнинг ипак қуртининг технологик кўрсаткичларига таъсири. //Ёш олимлар республика илмий амалий анжумани материаллар тўплами. Термиз давлат университети, 2017. 31 март – 1 апрель, III ҚИСМ, 181-182 б.